

Key words: allergic diseases, children, medical care, family polyclinics, family doctors, quality of

УДК: 616-007.234:614.8.02-614.8.026.1-053.2

РАСПРОСТРАНЕНИЕ ВРОЖДЕННЫХ АНОМАЛИЙ У ДЕТЕЙ, ФАКТОРЫ РИСКА И РОЛЬ МЕДСЕСТРЫ В ПРОФИЛАКТИКЕ ВРОЖДЕННЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ



Мирзрахимова К.Р.

Ташкентский государственный стоматологический институт

Тадқиқотнинг долзарблилиги: Дунё миқёсида, аҳоли орасида тарқалган туғма аномалиялар муҳим тиббий ва социал муаммодир. Улар XX асрнинг охиригача ўн йиллигида икки баробар кўпайиб, чақалоқлик даври, перинатал ва болалик даври патологияси ва ўлими структурасида салмоқли ўринни эгаллади. Ҳозирги кунда дунё бўйича 10000 боладан 1800 таси туғма аномалия билан туғулмоқда [4,10,11].

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофазалаш борасидаги эришилган ютуқларга қарамасдан, болаларнинг касалланиш, ногиронлик ва ўлим структурасида етакчи ўринни туғма аномалиялар (ривожланиш нуқсонлари) эгаллайди [1,8,9].

Тадқиқотнинг мақсади

Туғма аномалияларининг болалар орасида тарқалганлиги, хавф омилларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш учун бўлажак оналар ва болалар орасида олиб борилаётган такомиллаштириш бўйича патронажни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тизимини чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот материал ва усуллари

Эпидемиологик, ижтимоий-гигиеник, социологик, статистик, логистик регрессия ва бошқа далиларга асосланган тиббиётнинг замонавий усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

- илк бор бирламчи тиббий-санитария ёрдами (БТСЁ) муассасаларида туғма аномалияни олдини олиш ва унинг профилактикасига тизимли ёндошиш, оналар ва

болаларни комплекс соғломлаштириш бўйича тиббий-ташкилий таклифлар асосланган;

- республикада, биринчи марта Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи болаларда туғма нуқсонларининг тарқалганлик даражаси ва келиб чиқиши ва ривожланишига таъсир этувчи етакчи хавф омиллар: онанинг ёши, маълумоти, оиланинг қариндошлик асосида қурилганлиги, оиладаги ноҳуш рухий муҳит, онанинг ҳомиладорлиги ва туғруқ давридаги асоратлари, онадаги экстрагенетал касаликларни аниқланганда.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Соғлиқни сақлаш тизимининг биринчи бўғинида касалликнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикасига қаратилган, босқичма-босқич амалга оширилаётган, комплекс тизимли ёндошув дастури ишлаб чиқилган;

Мазкур дастур асосида туғма аномалияни эрта аниқлаш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар алгоритми ҳамда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, бўлажак оналар ва болаларга патронаж хизматини яхшилаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Оилавий поликлиникаларда патронаж ҳамширалари фаолиятида туғма аномалиянинг шаклланишига таъсир этувчи хавф омиллари даражасини комплекс баҳолаш имконини берувчи прогностик жадвалдан фойдаланиш натижасида аҳоли хавф гуруҳини аниқлаш, уларнинг хавф даражасига кўра дифференциаллашган, индивидуал режа бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишда қўлланилган замонавий бир-бирини тўлдирувчи

эпидемиологик, ижтимоий-гигиеник, социологик, хронометраж, санитария-статистик, эксперт баҳолаш усуллар билан тасдиқланган ҳамда бирламчи материаллар ҳажми ва сонининг етарли даражада бўлиши, таҳлилий ва прогностик кўрсаткичларнинг такомиллашганлиги, статистик таҳлил усулларини асосли танланганлиги, тўғри қўлланилганлиги, тадқиқот материалларини республика ва халқаро конференцияларда муҳокама қилинганлиги, ҳамда нуфузли илмий нашрларда чоп этилганлиги хулосалар ва тадқиқот натижаларининг ишончлилигини ва асосланганлигини кўрсатади.

Тошкент, Марказий Осиёнинг энг йирик

шаҳари. У ерда ишлаб чиқариш, саъноат ривожланган. Аҳолининг зичлиги, шаҳар инфраструктурасининг ривожланганлигини, аҳолининг тиббий ёрдам билан шу жумладан ихтисослашган тиббий ёрдамни яхши таминланганлиги, касалликларни тарқалганлиги тўғрисида, уларни барвақт аниқлаш, барвақт ташхислаш ва улар ҳақида ишончли маълумотлар олиш имкониятини беради. Тошкент шаҳри туғма аномалиянинг тарқалганлигига кўра Республикада етакчи ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам айнан ушбу тадқиқотни Тошкент шаҳар ва туманларида ўтказишга қарор қилдик (жадвал).

Жадвал

Туғма аномалиялар (ривожланиш нуқсонлари), деформация ва хромосом бузилишлар билан умумий рўйхатга олинган 0-14 ва 15-18 ёшли болалар (100 000 болага нисбати)

Худудлар номи	2015		2016		2017		2018		2019	
	0-14 ёш	15-18 ш	0-14 ёш	15-18 ёш	0-14 ёш	15-18 ёш	0-14 ёш	15-18 ёш	0-14 ёш	15-18 ёш
Бектемир	31,1	51,4	673,7	1933,7	785,2	1645,2	681,7	1001,4	593,6	498,8
Миробад	83,5	73,8	77,8	87,4	104,0	70,9	75,2	74,9	68,4	374,5
Мирзо Улуғбек	126,7	331,4	114,0	77,6	124,8	75,6	100,6	180,2	150,3	1409,8
Сергели	120,5	118,6	225,1	1184,6	207,1	291,5	174,3	190,0	137,3	121,2
Олмазор	31,7	91,4	41,8	91,6	28,7	96,2	20,5	91,5	22,1	124,2
Уч-тепа	146,9	55,6	94,5	117,1	78,7	89,3	107,9	98,2	74,8	499,5
Чиланзор	154,5	265,8	145,5	285,4	103,4	191,0	147,8	208,9	127,6	648,7
Шайхонтохур	92,3	141,1	98,0	260,2	99,2	138,6	53,6	112,2	113,6	826,1
Юнус Обод	86,2	102,3	97,6	136,2	119,8	151,1	107,7	153,6	106,4	898,9
Яккасарой	129,4	238,0	138,7	258,4	237,2	263,0	294,8	197,1	315,2	1333,1
Яшнобад	209,5	285,5	204,9	259,2	179,9	149,7	197,9	383,8	181,1	1033,2
Жами	101,0	193,9	122,9	254,2	122,7	268,5	116,3	358,4	120,2	194,1

Касаллик шунингдек, Тошкент шаҳрининг туманлари орасида ҳам бир хилда тарқалмаган. Тошкент шаҳри бўйича Туғма аномалиянинг энг юқори кўрсаткичлари, Юнус Обод (100 000 аҳолига 12,0), Яшнобад (20,0), Чиланзор (100 000 аҳолига 19,0), Яккасарой (100 000 аҳолига 16,0) туманларида Тошкент шаҳар кўрсаткичига (13,0) нисбатан юқори катталиқни ташкил қилган.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг асосий вазифаларини устувор даражада касалликларнинг олдини олишга, профилактика ва аҳоли билан патронаж ишлари олиб боришга қайта йўналтириш, аҳоли, биринчи навбатда фертил ёшидаги аёллар ва ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек ўзгалар ёрдами ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз кексалар, ногиронлар, сурункали касалликларга чалинган беморлар орасида патронаж ишларини мунтазам олиб бориш, сифатли профилактик кўрикларни ташкил этиш ва лаборатория-инструментал текширувлар олиб бориш йўли билан касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг сурункали шаклга ўтишига йўл қўймаслик, ногиронлик даражасининг пасайишини, айниқса аҳолининг кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатидан қониқишини тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари этиб белгилашдан иборатдир.

Соғлиқни сақлаш борасида ҳар бир инсоннинг, ҳар бир оиланинг ўз маслаҳатдоши, ўз ёрдамчиси бўлиши лозим.

Оилавий шифокор ва патронаж ҳамшираси ўзи масъул оиланинг барча аъзоларининг тиббиёт соҳасидаги муаммоларини ҳал этиши лозимдир. Булар шу оила аъзоларининг мукамал

ўсиши, касалликларнинг профилактикаси, реабилитацияси ва ҳар бир оиланинг узлуксиз тиббий назоратини таъминлаш, уларнинг тиббий маданиятини ошириш демакдир. Бу замонавий тиббиёт учун катта аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши

Болаларда туғма аномалияни олдини олиш, хавф омилларини барвақт аниқлаш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган патронаж хизматини яхшилашга қаратилган илмий ишнинг натижалари асосида:

Тадқиқот натижалари, ишлаб чиқилган тавсияномалар Республикамиз соғлиқни сақлаш тизими амалиётига жумладан, Тошкент шаҳридаги Учтепа, Чилонзор ва Юнусобод туманларитиббиёт бирлашмалари оилавий поликлиникаларида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 13 декабрдаги 8н-з/232-сон, маълумотномаси). Олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида оналар ва болаларга кўрсатилаётган патронаж хизматини такомиллаштириш, туғма аномалияларни олдини олишга қаратилган профилактик чора тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, туғма аномалияларни барвақт аниқлаш, олдини олиш имконини беради.

Натижада бўлажак оналар ва болалар , саломатлиги яхшиланди, оналар тиббий билим ва маданияти даражаси 35,0% га яхшиланди, тиббий-ижтимоий патронаж хизматининг сифати 40,0% га ошди, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, туғма аномалияларни олдини олиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги 1,2 мартага ўсди.

Адабиётлар

1. Kasimova D.A., Mirzarahimova K.R. Factor of diet in the development and prevention congenital anomalies TA-nabedrennik joints // Muharrir the Minbariuu VA Etisalat.
2. Mirzarakhimova K.R., Nurmamatova K.C. Prevention of Dental Diseases In Women During Pregnancy Medicine tomorrow day, 418-419.
3. Mirzarahimova K.R., Nurmamatova K.Ch. The prevalence dental diseases mouth among pregnant women // Actual problems of modern dentistry. – Samarkand, 2017.
4. Mirzarahimova K.R., Nurmamatova K.H. Prevention of dental diseases in women during pregnancy // Medicine tomorrow day: Materials XVI mezhdunarodnoy scientific-practical conference students and young scientists. – Chita, 2017. – С. 414-415.
5. Mirzarakhimova K.R. Congenital anomalies in children prevalence and risk factors // Meditsina i innovatsii. – 2021. – №1. – С. 51-59.
6. Mirzarakhimova K.R. Congenital dent facial anomalies. I- international scientific-practical Internet conference // Actual questions medical science in XXI century. – С. 219-223.
7. Mirzarakhimova K.R., Nurmamatova K.Ch. Prevention of dental diseases in women during pregnancy // Медицина завтрашнего дня. – Чита, 18-21 апреля
8. Mirzarakhimova K.R., Nurmamatova K.Ch., Turaxanova F.M., Abdashimov Z.B. Causes of congenital anomalies in children and the role of nursing in it. The american journal of medical sciences and pharmaceutical research // JULY 2020Page No.: 52-72.
9. Mirzaraximova K.R. The prevalence of congenital anomalies in children is a risk factor and the role of community nurses in the prevention of "Medical nurse" Scientific-practical journal №5 pages 41-48 Мирзарахимова К.Р., Нурмаматова К.Ч., Тураханова Ф.М. The american journal of medical sciences and pharmaceutical research. Причины врожденных аномалий у детей и роль сестринского дела в этом. ИЮЛЬ 2020 С. 52-72.
10. Ризаев Ж.А., Нурмаматова К.Ч., Исмаилов С.И. и др. Туғма аномалияларнинг болалар орасида тарқалиши STOMATOLOGIYA № 1, 2019 (74) [Rizaev JA, Nurmamatova Q., Dsmukhamedov D.M., Mirzarakhimova K.R. The distribution of congenital anomalies among children. http://tsdi.uz/journals/stom/stoma_jurnal_9.pdf

Аннотация: Цель: изучение распространенности врожденных аномалий среди детей, изучение факторов риска и разработка научно-обоснованной системы мер по повышению эффективности патронажа среди будущих мам и детей по их устранению. **Материал и методы:** использованы современные методы медицины, основанные на эпидемиологических, социально-гигиенических, социологических, статистических, логистических и др. данных. **Результаты:** разработан рекомендации внедрены в практику работы медицинских объединений Учтепинского, Чиланзарского и Юнусабадского районов города Ташкента. **Выводы:** необходимо улучшить уход за матерями и детьми в системе первичной медико-санитарной помощи, повысить эффективность

профилактических мероприятий по предупреждению врожденных аномалий, улучшить здоровье матери и ребенка, раннее выявление и профилактику врожденных аномалий.

Ключевые слова: врожденные аномалии, врожденные пороки развития, врожденные пороки сердца, перинатальные причины.

Hulosa: Maqsad: bolalar o'rtasida tug'ma anomaliyalarning tarqalishini o'rganish, xavf omillarini o'rganish va ularni yo'q qilish uchun bo'lajak onalar va bolalar o'rtasida patronaj samaradorligini oshirish bo'yicha ilmiy asoslangan chora -tadbirlar tizimini ishlab chiqish. **Material va usullar:** epidemiologik, ijtimoiy-gigienik, sotsiologik, statistik, logistik va boshqa ma'lumotlarga asoslangan zamonaviy tibbiyot usullari ishlatilgan. Natijalar: tavsiyalar ishlab chiqildi va Toshkent shahrining Uchtepa, Chilonzor va Yunusobod tumanlari tibbiyot birlashmalari amaliyotiga joriy etildi. **Xulosa:** birlamchi tibbiy -sanitariya yordami tizimida onalar va bolalarga g'amxo'rlik qilishni yaxshilash, tug'ma anomaliyalarning oldini olish, onalar va bolalar salomatligini yaxshilash, tug'ma anomaliyalarni erta aniqlash va oldini olish bo'yicha profilaktik chora -tadbirlar samaradorligini oshirish zarur.

Kalit so'zlar: tug'ma anomaliyalar, tug'ma nuqsonlar, tug'ma yurak nuqsonlari, perinatal sabablar.

Summary: To study the prevalence of congenital anomalies among children, to study risk factors and develop a scientifically grounded system of measures to improve the effectiveness of patronage among expectant mothers and children to eliminate them. **Material and methods:** Modern methods of medicine based on epidemiological, socio-hygienic, sociological, statistical, logistic and other data were used. **Results:** Recommendations were developed and introduced into the practice of medical associations of Uchtepa, Chilonzor and Yunusobod districts of Tashkent city. **Conclusions:** It is necessary to improve the care of mothers and children in the primary health care system, to increase the effectiveness of preventive measures to prevent congenital anomalies, to improve the health of mothers and children, early detection and prevention of congenital anomalies.

Key words: congenital anomalies, congenital malformations, congenital heart defects, perinatal causes.

НЕКРОЛОГ



МИРЯКУБОВ МИРЖАМОЛ (1928-2021)

30 марта 2021 года в возрасте 95 лет ушел из жизни один из основателей стоматологической службы Узбекистана, организатор кафедры ортопедической стоматологии Ташкентского государственного медицинского института, кандидат медицинских наук, доцент, общественный деятель Миржамол Мирьякубович Мирьякубов.

Стоматологи Узбекистана с большой болью в сердце восприняли известие об уходе из жизни Миржамола Мирьякубовича.

Мирьякубов М.М. родился в апреле 1927 г. в семье служащего, в 1949 г. окончил Ташкентское зуботехническое училище, после чего 2 года работал по специальности. В 1952 г. поступил на стоматологический факультет Московского стоматологического института